

**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ФУҚАРОЛАР  
МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАҲЛИЛИ**

**Зокиров Шерзод Илхом ўғли**

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Email: [sherzokirov@gmail.com](mailto:sherzokirov@gmail.com)

ORCID: [0000-0003-2890-9120](https://orcid.org/0000-0003-2890-9120)

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада чет эл давлатларида фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқининг ҳуқуқий асослари қиёсий таҳлил қилинган. Бир қатор демократик давлатлар Конституцияларида бу ҳуқуқнинг кафолатлари ёритилган. Шу билан бирга, араб мамлакатларидаги мурожаат ҳуқуқи диний ва монархик тизимларга боғлиқ равишда чекловлар билан таъминланиши кўрсатилган. Мақолада муаллиф хорижий давлатларда мурожаат ҳуқуқини тартибга солишда ягона ёндашув мавжуд эмаслигини, айрим ҳолларда ҳуқуқ фақат фуқароларга, бошқа давлатларда эса, барчага берилганини таъкидлайди. Мақола глобаллашув ва халқаро ҳуқуқ тамойиллари мурожаат ҳуқуқини ривожлантиришга таъсир қилаётганини ҳам кўрсатади.

**Калит сўзлар:** мурожаат ҳуқуқи, фуқаролар мурожаати, хорижий давлатлар, Конституция, демократия, тоталитар тузум, араб давлатлари, қиёсий таҳлил, халқаро ҳуқуқ.

**СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ РАБОТЫ С  
ОБРАЩЕНИЯМИ ГРАЖДАН В ЗАРУБЕЖНЫХ ГОСУДАРСТВАХ**

**Зокиров Шерзод Илхом ўғли,**

доктор философии (PhD) по юридическим наукам

Email: [sherzokirov@gmail.com](mailto:sherzokirov@gmail.com)

ORCID: [0000-0003-2890-9120](https://orcid.org/0000-0003-2890-9120)

## АННОТАЦИЯ

В статье проведён сравнительно-правовой анализ правовых основ обращения граждан в государственные органы зарубежных стран. В ряде демократических государств Конституции закрепляют гарантии данного права. В то же время показано, что в арабских странах право на обращение обеспечивается с ограничениями в зависимости от религиозных и монархических систем. Автор статьи подчёркивает, что в регулировании права на обращение в зарубежных странах отсутствует единый подход: в одних случаях это право предоставляется только гражданам, в других — всем лицам. В статье также отмечается влияние глобализации и принципов международного права на развитие права на обращение.

**Ключевые слова:** право на обращение, обращение граждан, зарубежные государства, Конституция, демократия, тоталитарный режим, арабские страны, сравнительный анализ, международное право.

## COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS OF WORK WITH CITIZENS' APPEALS IN FOREIGN COUNTRIES

**Zokirov Sherzod Ixom ogli**

doctor of philosophy (PhD) on science in law

Email: [sherzokirov@gmail.com](mailto:sherzokirov@gmail.com)

ORCID: [0000-0003-2890-9120](https://orcid.org/0000-0003-2890-9120)

## ANNOTATION

The article provides a comparative legal analysis of the legal foundations of citizens' right to appeal to state authorities in foreign countries. In a number

of democratic states, constitutions enshrine guarantees of this right. At the same time, it is shown that in Arab countries the right of appeal is ensured with certain restrictions, depending on religious and monarchical systems. The author emphasizes that there is no unified approach to regulating the right of appeal in foreign countries: in some cases, the right is granted only to citizens, while in others it is extended to all persons. The article also highlights the influence of globalization and the principles of international law on the development of the right to appeal.

**Keywords:** right to appeal, citizens' appeals, foreign countries, Constitution, democracy, totalitarian regime, Arab states, comparative analysis, international law.

Бугунги кунда фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи демократик жамиятнинг ажралмас белгиларидан бири сифатида эътироф этилади. Мурожаатлар орқали фуқаролар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этадилар, жамият ҳаётида фаол иштирок этадилар, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадилар. Шу боисдан, мурожаат ҳуқуқи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тизимида муҳим ўрин тутди.

Хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиётида мурожаат ҳуқуқи турли йўналишларда тартибга солинган. Айрим мамлакатларда у конституциявий даражада қафолатланган бўлса, бошқаларида махсус қонунлар ва қонуности ҳужжатлари орқали белгиланган.

Шу жиҳатдан, турли давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни қиёсий таҳлил қилиш, ушбу ҳуқуқнинг ривожланиши ҳамда унинг амалий аҳамиятини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бу тадқиқот хорижий давлатларда мурожаат ҳуқуқининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш орқали умумий тенденциялар ва истиқболларни белгилашга хизмат қилади.

**Мақоланинг асосий мақсади** – турли давлатларда фуқароларнинг мурожаат ҳуқуқи қандай ҳуқуқий асосларда тартибга солинаётганини қиёсий таҳлил қилиш, ушбу ҳуқуқнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш ҳамда халқаро ҳуқуқ тамойиллари билан уйғунликда баҳолашдир. Шу билан бирга, тадқиқотда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун назарий ва амалий хулосалар шакллантириш кўзда тутилган.

Деярли барча замонавий давлатларда фуқаролар давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Уларнинг баъзиларида бу ҳуқуқ конституциявий тарзда мустаҳкамланган бўлса, бошқаларида қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 23 майда қабул қилинган Асосий Қонунининг 17-моддасида “Ҳар бир инсон алоҳида ёки бошқа шахслар билан биргаликда ваколатли органларга ва халқ ваколатхоналарига ёзма сўровлар ёки шикоятларни тақдим этиш ҳуқуқига эга”лиги белгиланган<sup>1</sup>.

Испания Конституциясининг 29-моддасида барча испанлар давлат органларига қонунда белгиланган шаклда ва мақсадларда ёзма равишда яқка тартибда ва жамоавий мурожаатлар юбориш ҳуқуқига эгадир” деб белгиланган<sup>2</sup>.

Словения Республикаси Конституциясининг 45-моддаси ўз фуқароларига мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, уларнинг қиймати илтимосномалар (петициялар), шунингдек умумий аҳамиятга эга бўлган бошқа ташаббусларга тенгдир<sup>3</sup>.

1

[https://www.1000dokumente.de/index.html?c=dokument\\_de&dokument=0014\\_gru&object=translation&st=&l=ru](https://www.1000dokumente.de/index.html?c=dokument_de&dokument=0014_gru&object=translation&st=&l=ru)

<sup>2</sup> <https://worldconstitutions.ru/?p=149>

<sup>3</sup> Конституции государств Европы: в 3 т. /под общ. ред. Л. А. Окунькова. - М. : НОРМА.Т. 3. 2001.

Чехияда мурожаат қилиш ҳуқуқи махсус ҳужжатда – Чехия Республикасининг 1991 йил 9 январдаги “Асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар Хартияси”да берилган. Ушбу Хартиянинг 18-моддасида “Илтимоснома (петиция) бериш ҳуқуқи кафолатланади; ҳар ким алоҳида ўзи ёки бошқа шахслар билан биргаликда давлат ва ҳудудий ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик ёки бошқа умумдавлат манфаатлари масалалари бўйича сўровлар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”лиги қайд этилган<sup>4</sup>.

1994 йилги Молдова Республикаси Конституциясининг 52-моддаси ўз фуқароларига, шунингдек қонун билан тузилган жамоаларга мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди<sup>5</sup>. Бундан ташқари, республикада 1994 йил 19 июлда қабул қилинган “Петициялар бериш тўғрисида”ги Қонун<sup>6</sup> амалда бўлиб, бу қонуннинг ўзига хос жиҳати, ҳар қандай ариза, таклиф, шикоят ва мурожаатлар – петиция ҳисобланишидир ва ушбу қоидалар Молдова Республикаси фуқаролари, жамоалари, шунингдек, давлат ҳудудида ҳуқуқлари поймол этилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилишидир.

Миллий қонунчиликдан фарқли ўлароқ, бир қатор монархия давлатлари ҳисобланган араб давлатлари Конституцияларида мурожаатларга оид қоидалар ўзгача ифодаланган. Масалан, Қувайт давлати Конституциясининг 45-моддасида шундай дейилган: “Ҳар бир инсон давлат органларига ёзма ва ўз имзоси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фақатгина қонуний равишда ташкил этилган ташкилотлар ва корпоратив ташкилотлар ҳокимият идораларига жамоавий равишда

<sup>4</sup> <https://czholding.ru/about-cz/konstitucija-chehii/>

<sup>5</sup> <http://www.presedinte.md/titul2#2>

<sup>6</sup> [http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=3264](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3264)

*ilmiy –amaliy anjuman*

мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”<sup>7</sup>. Мазкур келтирилган нормадан кўйидагиларни англаш мумкин:

**Биринчидан**, бу давлатда яшовчи фуқаролар давлат органларига фақатгина ўз номларидан (ўз имзолари орқали) мурожаат йўллай оладилар. Мурожаатларни йўллашда вакиллик назарда тутилмаган;

**Иккинчидан**, фуқаролар жамоавий тарзда мурожаатлар йўллай олмайдилар. Уларнинг бундай ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, фақатгина қонуний равишда ташкил этилган ташкилотлар ва корпоратив ташкилотлар томонидангина амалга оширилиши мумкин.

Яна бир араб давлати ҳисобланган Бахрайн қироллигида 2002 йилда қабул қилинган Конституциясининг 29-моддасига мувофиқ, “Ҳар қандай шахс ўз имзоси билан давлат органларига фақат ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин. Ҳокимият органларига жамоавий мурожаатлар юбориш фақат қонуний асосларга кўра ташкил этилган органлар ва юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин”<sup>8</sup>. Ушбу келтирилган қоидалардан фуқароларнинг мурожаат йўллаш ҳуқуқлари чекланганлигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, давлатларнинг бошқарув шаклидан қатъи назар, кўплаб давлатларнинг конституцияларида фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари кафолатланган. Бу ҳуқуқ ғарбнинг ривожланган демократик мамлакатларида ҳам, постсовет давлатлари ҳамда шариат нормаларига асосан бошқариладиган мусулмон давлатларида ҳам кенг тарқалган. Бу тасодифий эмас, албатта, чунки глобаллашув ва халқаро ҳуқуқ турли давлатларнинг ҳуқуқий тизимларини бирлаштиришга ёрдам беради.

<sup>7</sup> Конституции государств Азии: в 3 т. / отв. ред. Т. Я. Хабриева. - М. : Норма. Т. 1 : Западная Азия. 2010. - С. 345. <https://worldconstitutions.ru/?p=91>

<sup>8</sup>

[https://en.wikisource.org/wiki/Constitution\\_of\\_the\\_Kingdom\\_of\\_Bahrain\\_\(2002\)#Article\\_29\\_\[Petition\]](https://en.wikisource.org/wiki/Constitution_of_the_Kingdom_of_Bahrain_(2002)#Article_29_[Petition])

Халқаро ҳуқуқда мавжуд принциплар (тамойиллар), жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш жаҳон ҳамжамиятининг барча мамлакатлари учун мажбурий ҳисобланади. Хорижий давлатлар фуқароларнинг муҳим жамоатчилик қарорларини қабул қилинишида иштирок этишлари, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳокимиятни суиистеъмолликлардан назорат қилиш имконини берганлиги туфайли уларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқига катта аҳамият беради.

Шу билан бирга, ушбу давлатларнинг ҳуқуқий ҳужжатларида ушбу ҳуқуқни тартибга солиш ва тушунишга ягона ёндашув мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Яъни, баъзи ҳолларда бу ҳуқуқ фақат мамлакат фуқароларига тегишли бўлса, бошқа давлатларда эса, барчага тегишли. Айрим давлатларнинг конституцияларида мурожаатларни фақат ёзма тарзда йўллаш мумкинлиги кафолатланган.

Тоталитар сиёсий режим ҳукмрон бўлган давлатларда ҳам фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжуд. Мисол учун, катъий тоталитар сиёсий режим ўрнатилган Шимолий Корея (КХДР) Конституциясининг 69-моддасида фуқаролар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим бўлган шикоят ва аризаларни тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган<sup>9</sup>.

Бироқ рус олими В.И.Чиркин таъкидлаганидек, замонавий тоталитар социализм мамлакатлари конституцияларида асосий эътибор инсон ҳуқуқларига эмас, балки, фуқаролар ҳуқуқларига қаратилади. Фуқароларга бу ҳуқуқ социалистик давлат томонидан берилади<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> <https://worldconstitutions.ru/?p=30>

<sup>10</sup> Чиркин В.Е. Правовые системы современности: взаимовлияние, сближение и антагонизмы //Вестник Российского университета дружбы народов. Сер. Юридические науки. 2014. - N 2. - С. 127.

Ушбу давлатда барча ҳаракатларининг асосини Ким Ир Сен асос солган “чучхе” мафкуриси ва назарияси ташкил этади<sup>11</sup>. Унинг асосий ғоясини – ҳамманинг ўз кучига таяниши ташкил этади. Бу таълимотнинг марказида мустақиллик ва онга эга бўлган шахс алоҳида ўрин эгаллайди<sup>12</sup>.

КХДР Конституциясига кўра, ижтимоий тузум меҳнаткаш омманинг жамиятдаги ҳамма нарса ва ҳар бир нарсанинг устаси бўлган шахс манфаатларига хизмат қилади. Конституцияда Ишчилар партиясининг етакчилик роли мустаҳкамлаб қўйилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича тадқиқот уюшмаси томонидан 2014 йилда тайёрланган ҳисоботда айтилишича, мамлакатда “Шикоят ва аризалар тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Унда Конституциянинг тегишли моддаси (69-модда) асосида фуқароларнинг шикоят ва аризаларини давлат органларига топшириш, қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш қоидалари, кўриб чиқиш принциплари, ариза ва шикоятларни текшириш ва қарор қабул қилиш пайтида қўлланиладиган усуллар тўғрисида нормалар ўрнатилган<sup>13</sup>.

Бу масала, шунингдек, 1998 йил 17 июнда Олий Халқ Мажлисининг доимий кўмитаси томонидан қабул қилинган 120-сонли қарор билан ҳам тартибга солинади ва у ҳозиргача 3 марта қайта кўриб чиқилган ва тўлдирилган<sup>14</sup>.

Ассоциация маълумотларига кўра, “КХДРда мазкур қонун асосида тузилган шикоят ва аризалар тизими давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни мамлакат

<sup>11</sup> Мишин Валерий Юрьевич Особенности северокорейского национализма // Россия и АТР. 2014. №3 (85). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-severokoreyskogo-natsionalizma> (дата обращения: 25.09.2025).

<sup>12</sup> Идеология в КНДР: возникновение, история и современный этап // Научно-аналитический журнал Обозреватель – OBSERVER. 2016. - № 11. - С. 87-97.

<sup>13</sup> <https://www.kfausa.org/report-dprk-association-human-rights-studies/>

<sup>14</sup> А.А.Титов. “Право граждан Российской Федерации на обращение в органы государственной власти: конституционно-правовое исследование”, дисс. кан. наук, 2018, с-51

бошқарувига фаол жалб этиш ишларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича демократик тизим ҳисобланади”<sup>15</sup>.

Рус олими Н.А.Елисеев фикрига кўра, КХДР Конституцияси демократик тарзда ёзилган, аммо, аслида унда ўрнатилган тамойиллар ҳамма ерда бузилади. Яъни, давлатда ўрнатилган ҳокимият умумий (тотал) назорат, диктатура ва террор орқали ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилади<sup>16</sup>.

Шундай қилиб, Шимолий Кореянинг давлат тузилиши мурожаат қилиш ҳуқуқи, шунингдек, Конституцияда эълон қилинган фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари тоталитар режимни сақлаб қолиш ва давлат мафқурасини амалга оширишга қаратилганлигини кўрсатади. Тоталитар тузумга эга бўлган давлатда мурожаат қилиш ҳуқуқи демократик мамлакатлардаги каби бир хил мазмунда кўриб чиқилмаслиги керак. Унинг таъминланиши ва амалга оширилиши фуқароларни мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишга жалб этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва тиклашга эмас, балки муҳолифатга барҳам бериш ва демократияга тақлид қилишга қаратилган ҳисобланади.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Конституциясида мустаҳкамланган мурожаат ҳуқуқини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади.

Конституциянинг 41-моддасида шундай дейилган: “Хитой Халқ Республикаси фуқаролари ҳар қандай давлат органи ёки мансабдор шахснинг фаолиятини танқид қилиш ва ўз таклифларини билдиришга ҳақлидир. Фуқаролар қонунни бузган ёки ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай давлат органи ёки мансабдор шахсга қарши шикоят ёки айблов ёки ошкоралик билан тегишли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, аммо, тухмат ёки ёлғон айбловлар билан фактларни сохталаштириш ёки бузиб кўрсатишга йўл

<sup>15</sup> <https://www.kfausa.org/report-dprk-association-human-rights-studies/>

<sup>16</sup> Елисеев Н.А. Особенности организации власти в Северной Корее (КНДР) //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2016. - N 3-3. - С. 32-33.

кўйилмайди. Тегишли давлат органи далилларни аниқлагандан сўнг, фуқароларнинг шикоятлари, айбловлари ва аризаларининг таҳлиliga масъулият билан ёндашиши керак. Ҳеч ким бундай шикоятлар, айбловлар ёки ошкораликларни бостиришга ёхуд уларни илгари сурган фуқароларни жавобгарликка тортишга ҳақли эмас. Ҳар қандай давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан ўз ҳуқуқларига тажовуз қилиш натижасида зарар кўрган фуқаролар қонуний компенсация олиш ҳуқуқига эгадирлар”<sup>17</sup>.

Бошқа давлатлар билан таққослаганда шуни таъкидлаш керакки, Хитой Халқ Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан кўпроқ даражада кафолатланади ва уларни таъминлаш шахсга, унинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган. ХХР Конституцияси ўз фуқароларига давлат органлари ва давлат хизматчиларини адолатли танқид қилиниши ҳуқуқини кафолатлайди. Бундай ҳуқуқ, масалан, Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР – Шимолий Корея)да аниқ тақиқлаб кўйилган<sup>18</sup>.

Хитой давлати, айти пайтда мамлакатни модернизация қилиш, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидан бормоқда. Сўнгги йилларда Хитой Ҳукумати халқнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эътибор қаратиб келмоқда. 2004 йилда ХХР Конституциясига “Давлат инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилади ва таъминлайди” деган ўзгартириш киритилди<sup>19</sup>. Бу ўзгартиришнинг моҳияти, Конституциянинг 33-моддасига киритилган бўлиб, унда инсоннинг давлат томонидан ҳурмат қилиниши ва кафолати принципи белгиланганлиги билан ифодаланади.

<sup>17</sup> Конституции государств Азии: в 3 т. /отв. ред. Т. Я. Хабриева. - М.: Норма. Т. 3 : Дальний Восток, 2010. - С. 209. <https://asia-business.ru/law/law1/pravo/constitution/>

<sup>18</sup> Елисеев Н.А. Особенности организации власти в Северной Кореи (КНДР) //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2016. - N 3-3. - С. 32-33.

<sup>19</sup> Третьяков К. Н. Некоторые особенности изменения конституции КНР // Вестник МГИМО. 2010. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-osobennosti-izmeneniya-konstitutsii-knr> (дата обращения: 26.09.2025).

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан, мурожаат ҳуқуқи Араб давлатларида бошқача тарзда ҳимоя қилиниши ва амалга оширилишини кўриш мумкин. Расмий равишда, ҳозирги пайтда Араб давлатлари лигасига аъзо бўлган давлатларни шундай деб ҳисоблаш одат тусига кирган. Улар ҳозирда 22 тани ташкил қилади<sup>20</sup>. Уларнинг аксарияти мутлақ ёки дуалистик монархия давлатлари ҳисобланади. Давлат ва ижтимоий тартибнинг бутун тизими, давлат ҳокимиятини ташкил этиш, ҳуқуқ ва эркинликларни бериш ва ҳимоя қилиш расмий динга ва унинг ҳомийси – монархга бўйсунди. Муқаддас китоблар бундай давлатларда ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Мурожаатларга бўлган ҳуқуқ 1992 йилда қабул қилинган Саудия Арабистони Қироллигининг Асосий низомида белгиланган<sup>21</sup>. Бизга маълумки, Саудия Арабистони мутлақ монархияга асосланган теократик давлат ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатнинг 1-моддасида Ислом дини давлат дини эканлиги, Конституция эса – Муқаддас Қуръон ва Муҳаммад (с.а.в) пайғамбарнинг суннати эканлиги таъкидланган. 9-моддада “Саудия жамиятининг пойдевори оиладир. Унинг аъзолари Ислом ақидаси, унинг фарз бўлган садоқати ва қудратли Аллоҳга, унинг Пайғамбари Муҳаммад (с.а.в) кўрсатмаларига ва ҳокимият вакиллариغا итоат қилиш асосида таълим олишлари, қонунларни ҳурмат қилишлари ва уларни адо этишлари, Ватанни ва унинг шонли тарихини севишлари ва қадрлашлари лозим”лиги назарда тутилган.

Асосий низомнинг 43-моддаси субъектларга қирол ёки валиаҳд девони (канцелярияси)га шикоят қилиш ва ҳар бир шахснинг ўз масаласи

<sup>20</sup> Сюкияйнен Л.Р. Конституционный статус шариата как источника законодательства в арабских странах // Право. Журнал высшей школы экономики. 2016. - N 4. - С. 206.

<sup>21</sup> Сапронова М.А. Конституция Королевства Саудовская Аравия / М.А. Сапронова // Конституции государств Азии: в 3 т. Т.1: Западная Азия // под ред. Т.Я. Хабриевой. - М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации: Норма, 2010. - С. 481-510.

бўйича давлатнинг расмий органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Низомга асосланиб, ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан таъминланиши, шунингдек, фуқароларнинг таъминоти тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатнинг зиммасида эканлигини англаш мумкин.

Бу шуни кўрсатадики, Саудия Арабистонида ҳамма нарса Ислом ақидасига амал қилишни тақозо этади, у нафақат давлат дини, балки фуқароларнинг фикрлаш тарзи, қиролнинг ўзи ҳам ҳуқуқий нормалар тизими вазифасини бажаришда унга амал қилишини кўрсатади.

Фикр ва сўз эркинлиги тўғрисида Низомда сўз юритилмаган ва бу ҳақда муҳокамага ўрин ҳам йўқ. Низомнинг 39-моддаси оммавий ахборот воситалари фаолиятини чеклаб, уларни давлат қонунларига риоя қиладиган муносиб ҳаракат қилишларига йўналтиради. Мамлакатдаги асосий қонунлар Қуръон ва Суннат бўлгани учун оммавий ахборот воситалари уларда белгиланган қоида ва амаллардан нарига ўта олмайди.

Низомда фуқаролар қиролга фақат шикоят билан мурожаат қилишлари мумкинлиги белгиланган. Мурожаатнинг бу тури фақатгина инсон ҳуқуқлари бузилган тақдирдагина қабул қилинади. Бошқа тарафдан, фуқаролар қиролдан ташқари давлат органларига бошқа масалалар юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалар. Шунини унутмаслик керакки, мурожаатларни йўллашда давлат динида белгиланган қоидалардан ташқарига чиқиш ман этилади. Шунинг учун ҳам ҳукуматни (монархни), давлат тизимини танқид қилиш, уни модернизация қилиш бўйича таклифлар киритиш мумкин эмас, балки муомаладаги фикрларни ифодалаш Ислом дини нормаларига зид бўлмаслиги талаб этилади.

Араб давлатлари лигасига аъзо бўлган давлатлардан яна бир мисол сифатида Иордания Ҳошимийлар Қироллиги келтириш мумкин.

Ушбу давлатнинг 1952 йилги Конституциясига биноан, давлат тузуми авлоддан авлодга мерос сифатида ўтувчи монархияга асосланган парламент тизими, давлат дини эса Ислом дини эканлиги қайд этилган.

Бироқ, Конституциянинг 14-моддасида, агар бу жамоат тартибига ёки ахлоққа зид бўлмаса, дин эркинлиги ҳуқуқи мустаҳкамланган. 15-модда агар бу жамоат тартиби ва ижтимоий ахлоқ қоидаларини бузмаса, қонун доирасида фикр эркинлигига бўлган ҳуқуқни ҳам кафолатлайди.

Бундан ташқари, Конституция йиғилишлар эркинлиги ҳуқуқини ўзида акс эттирган. 17-модда эса, фуқароларнинг давлат органларига ҳар қандай шахсий ёки давлат масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади. Бироқ, бу ҳуқуқлар асосан қонунлар билан чекланган<sup>22</sup>.

Масалан, сўз эркинлигига бўлган ҳуқуқ Иорданиянинг нафақат очик цензура, балки чекловчи матбуот қонунлари, қоғоз ва асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича назорат ва солиқлар каби нозик усуллардан фойдаланиши билан чеклаб қўйилган. Журналистларнинг касбий этикасига ва унга амал қилишларига катта аҳамият берилади. Уларга “ўз мамлакатининг ривожланиши, жаҳон миқёсида тинчлик жараёни ва маънавий қадриятларни тарқатиш, уни тақдим этиш учун энг тўлиқ ва тўғри маълумот етказиш, масъулиятни таъминлаш, шунингдек, ҳар кимнинг ҳис-туйғулари ва қарашларини топтамасликлари” вазифаси топширилган<sup>23</sup>.

Юқоридагиларга асосланиб, мурожаат қилиш ҳуқуқи дунёнинг аксарият мамлакатлари конституцияларида кафолатланганлигини таъкидлаш мумкин. Бироқ, унинг мазмуни ва тушунчаси давлатда ўрнатилган сиёсий режимнинг турига боғлиқ бўлиб, фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Таҳлилларимиз **демократик сиёсий режимга** эга бўлган мамлакатларда мурожаат қилиш ҳуқуқи – инсон ҳуқуқларини ҳимоя

<sup>22</sup> Конституции государств Азии: в 3 т. /отв. ред. Т. Я. Хабриева. - М. : Норма. Т. 1 : Западная Азия. 2010. - С. 143.

<sup>23</sup> Тахсин Мохамд Анис Шарадга. Анализ современных средств массовой информации Иордании //Вестник Российского университета дружбы народов. Сер. Литературоведение, журналистика. 2011. - N 3. - С. 86.

қилиш ва тиклаш ҳамда фуқароларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги иштироки таъминлашга қаратилганлиги;

**Тоталитар сиёсий режимга** эга бўлган мамлакатларда давлат мафкурасини амалга ошириш, фуқароларнинг фикр ва ҳаракатларини назорат қилиш ва уларни шу мафкурага бўйсундириш биринчи галдаги вазифа ҳисобланиши;

**Теократик монархия давлатларида** – мурожаатлар мазмуни, шунингдек, фуқароларнинг бошқа барча фикрлари ва ҳаракатлари Ислом дини ақидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши кераклигини кўрсатмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. [https://www.1000dokumente.de/index.html?c=dokument\\_de&dokument=0014\\_gru&object=translation&st=&l=ru](https://www.1000dokumente.de/index.html?c=dokument_de&dokument=0014_gru&object=translation&st=&l=ru)
2. <https://worldconstitutions.ru/?p=149>
3. Конституции государств Европы: в 3 т. /под общ. ред. Л. А. Окунькова. - М. : НОРМА.Т. 3. 2001.
4. <https://czholding.ru/about-cz/konstitucija-chehii/>
5. <http://www.presedinte.md/titulul2#2>
6. [http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=3264](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3264)
7. Конституции государств Азии: в 3 т. / отв. ред. Т. Я. Хабриева. - М. : Норма. Т. 1: Западная Азия. 2010. - С. 345.  
<https://worldconstitutions.ru/?p=91>
8. [https://en.wikisource.org/wiki/Constitution\\_of\\_the\\_Kingdom\\_of\\_Bahrain\\_\(2002\)#Article\\_29\\_\[Petition\]](https://en.wikisource.org/wiki/Constitution_of_the_Kingdom_of_Bahrain_(2002)#Article_29_[Petition])
9. <https://worldconstitutions.ru/?p=30>
10. Чиркин В.Е. Правовые системы современности: взаимовлияние, сближение и антагонизмы //Вестник Российского университета дружбы народов. Сер. Юридические науки. 2014. - N 2. - С. 127.

11. Мишин Валерий Юрьевич Особенности северокорейского национализма // Россия и АТР. 2014. №3 (85). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-severokoreyskogo-natsionalizma> (дата обращения: 25.09.2025).
12. Идеология в КНДР: возникновение, история и современный этап // Научно-аналитический журнал Обозреватель – OBSERVER. 2016. - № 11. - С. 87-97.
13. <https://www.kfausa.org/report-dprk-association-human-rights-studies/>
14. А.А.Титов. “Право граждан Российской Федерации на обращение в органы государственной власти: конституционно-правовое исследование”, дисс. кан. наук, 2018, с-51
15. <https://www.kfausa.org/report-dprk-association-human-rights-studies/>
16. Елисеев Н.А. Особенности организации власти в Северной Корее (КНДР) // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2016. - N 3-3. - С. 32-33.
17. Конституции государств Азии: в 3 т. /отв. ред. Т. Я. Хабриева. - М.: Норма. Т. 3 : Дальний Восток, 2010. - С. 209. <https://asia-business.ru/law/law1/pravo/constitution/>
18. Елисеев Н.А. Особенности организации власти в Северной Корее (КНДР) // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2016. - N 3-3. - С. 32-33.
19. Третьяков К. Н. Некоторые особенности изменения конституции КНР // Вестник МГИМО. 2010. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-osobennosti-izmeneniya-konstitutsii-knr> (дата обращения: 26.09.2025).
20. Сюкияйнен Л.Р. Конституционный статус шариата как источника законодательства в арабских странах // Право. Журнал высшей школы экономики. 2016. - N 4. - С. 206.

21. Сапронова М.А. Конституция Королевства Саудовская Аравия / М.А. Сапронова // Конституции государств Азии: в 3 т. Т.1: Западная Азия // под ред. Т.Я. Хабриевой. - М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации: Норма, 2010. - С. 481-510.
22. Конституции государств Азии: в 3 т. /отв. ред. Т. Я. Хабриева. - М. : Норма. Т. 1 : Западная Азия. 2010. - С. 143.
23. Тахсин Моххамд Анис Шарадга. Анализ современных средств массовой информации Иордании //Вестник Российского университета дружбы народов. Сер. Литературоведение, журналистика. 2011. - N 3. - С. 86.